

Тазкия дарслари (39-дарс). Валий ҳеч қачон Набий мартабасига ета олмайди



16:00 / 29.06.2019 5493

«Авлиёлардан бирортасини анбиёларнинг бирортасидан афзал кўрмаймиз. Битта набий ҳамма валийдан афзалдир, деймиз».

Шарҳ: Яъни авлиёлардан бирортаси, ким бўлишидан қатъи назар, анбиё алайҳиссаломларнинг бирортасидан афзал бўла олмайди, деб эътиқод қиламиз. Агар ҳамма авлиёлар битта набий билан солиштирилса, набий улардан устин чиқади ва мартабаси юқори бўлади, деймиз.

Далил:

Муаллиф «Иттиҳод» мазҳабидагиларга (Банда кўп ибодати ила Аллоҳ билан бирлашиб кетади, деб эътиқод қилувчиларга) қилинган раддияга ишора қилмоқда. Шунингдек, сўфийларнинг жоҳилларига ҳам. Чунки улар

баъзи авлиёларни баъзи бир анбиёлардан афзал, дейдилар (Аллоҳ асрасин).

Аммо ҳақиқий, истиқоматдаги сўфийлар (ахлоқ уламолари) ваҳий ва шариятга эргашишга буюрадилар.

Аллоҳ таоло халойиқнинг ҳаммасини, жумладан, авлиёларни ҳам пайғамбарларга эргашишга амр қилган.

Аллоҳ таоло:

«Қайси бир расулни юборган бўлсак, Аллоҳнинг изни ила фақат итоат қилиниши учун юборганмиз», дейди (Нисо сураси, 64-оят).

Бошқа бир оятда эса:

«Айт: «Агар Аллоҳни севсангиз, менга эргашинг, Аллоҳ сизни севадир ва сизларнинг гуноҳларингизни мағфират қиладир». Аллоҳ ўта мағфиратлидир, ўта раҳмлидир», деган (Оли Имрон сураси, 31-оят).

Бас, ким куфрни ботин тутиб (яъни ичида валийни набийдан афзал кўриб), Ислумни зоҳир қилса (яъни тилида «Набий валийдан афзал», деса) ёки ўзининг куфрий ақийдасини Ислум ҳижоби ила беркитса, у зиндиқдир. Агар ўз ихтиёри ила қўлга тушмасдан олдин тавба қилсагина, тавбаси қабул қилинади. Худди ҳеч кимнинг қистовисиз, ўз ихтиёри билан мусулмон бўлган кофир каби.

«Тасаввуф ҳақида тасаввур» китобидан